



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 июнь кунни Оқсаройда Халқаро олимпия кўмитаси президенти Томас Бах ва Осиё миллий олимпия кўмиталари ассоциацияси ва Осиё олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ал-Сабоҳни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни қутлар экан, Ўзбекистон билан Халқаро олимпия кўмитаси ва Осиё олимпия кенгаши ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири сифатида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақил фикрлайдиган, кучли иродали, дунёқараши кенг авлод вояга етмоқда. Спорт таълим тизимининг узвий қисми сифатида ривожланмоқда. Ёшлар, хусусан, қизлар спортга кенг жалб этилмоқда.

Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларидан олимпия ҳаракатини қўллаб-қувватлаб келади, унинг фаол аъзоси ҳисобланади. 1992 йилда Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси тузилган ва 1993 йил сентябрда Халқаро олимпия кўмитасига аъзо бўлган. Мамлакатимиз ёзги ва қишки Олимпия, Паралимпия, Осиё ва Парасиё ўйинларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Халқаро олимпия кўмитаси президенти Томас Бах тинчлик-осойишталик, иқтисодий-ижтимоий тараққиёт, таълим ва ёшлар масаласига эътибор спорт ривожига муҳим аҳамият касб этишини, ана шундай муҳит ва шароит туфайли Ўзбекистонда спорт жадал ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ташкилий асослари такомиллаштирилгани, жисмоний-соғломлаштириш машғулоти аҳоли ўртасида кенг оммалашгани, соҳани молиялаштириш, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш тизими юксалгани, моддий-техник база мустаҳкамлангани қайд этилди. Мамлакатимизда барча техник ва услубий воситалар билан таъминланган, профессионал мураббийларга эга 80 дан ортиқ спорт федерацияси фаолият юритмоқда.

Мамлакатимизда, жумладан, энг чека ҳудудларда 51 мингдан ортиқ спорт иншооти барпо этилган. Дунёнинг энг яхши спорт ареналаридан қолишмай диган спорт мажмуалари ва

заллари, спортнинг кўплаб турлари бўйича марказ ва секциялар ишлаб турибди.

Ўзбекистонда таълим тизимига йўналтирилаётган йиллик давлат харажатлари дунёда энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади, яъни ушбу кўрсаткич давлат бюджетининг 35 фоизидан ошади. Бу ҳар хил давлат баркамол авлодини тарбиялашга қаратилган улкан эътиборнинг амалий тасдиғидир.

2002 йилда ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мамлакатимизда спортни кенг ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Президентимизнинг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтadиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакатимиз спортчилари ушбу нуфузли мусобақаларга пухта ҳозирлик қўрмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Президентига спортни ва олимпия ҳаракатини ривожлантиришдаги буюк хизматлари учун Халқаро олимпия кўмитасининг медали, шунингдек, Ўзбекистонда ва Осиёда футболни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Осиё олимпия кенгашининг мукофоти топширилди.

ЎЗА

«ЁШ СИЁСАТЧИ» ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



ЯНГИ ЛОЙИҲА — КЕЛАЖАККА ЯНГИЧА НИГОҲ БИЛАН ҚАРАШ

Ёки қуёш, сув, шамол энергияси ва ернинг тортишиш кучи ҳақида

Булар бугун бутун дунёда глобал муаммога айланиб улгурган ва инсониятни ташвишга солаётган электр энергияси ўрнига арзон ва тежамкор биошаҳар яратиш масаласидаги лойиҳанинг амалга оширилиши учун зарур бўлган манбалар...

— Ушбу лойиҳада 2050 йилга қадар Тошкент шаҳрининг марказий қўчаларидан бири — Амир Темури шўх қўчасида биошаҳар яратиш масаласи кўйилган, — дейди иштирокчи,

Шайхонтоҳур тумани вакили Бону Азизова. — Вақтимиз чегаралангани боис, фақат сув ва шамол энергиясидан фойдаланиб, биошаҳар яратиш ҳақида фикр юритамиз. Бунда ҳар бир

бинонинг устига, яъни том қисмига (йиллик) ёғинларни тўплаш учун маҳсул муҳандислик қурилмаси ўрнатилади ва тўпланган сувлар қувурлар ёрдамида бино бўйлаб ҳаракатга келтирилади. Биз бу сувларни филтрлаш орқали ичимлик сувига айлантирамиз ёки бошқа мақсадларда ҳам фойдаланишимиз мумкин.

➤ Давоми 2-бетда.

МУНОСАБАТ

Дунёга тинчлик керак

■ ЎТГАН ҲАФТАДА МАМЛАКАТИМИЗ ВА ЖАҲОН СИЁСИЙ ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРДАН БИРИ — БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ ПАН ГИ МУННИНГ ЎЗБЕКISTONГА ТАШРИФИ БЎЛДИ. МАРТАБАЛИ МЕҲМОННИНГ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ БИЛАН УЧРАШУВИ ҚОҒИДА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ, ЯДРО ҚУРОЛИ ТАРҚАЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК, БАҲҚАРОР ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШГА ЭРИШИШ, ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ, СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ, ТЕРРОРИЗМ ВА НАРКОТРАФИК ХАВФИГА ҚАРШИ КУРАШИШ КАБИ БИР ҚАТОР ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

МАЗКУР УЧРАШУВ НАФАҚАТ ХАЛҚИМИЗ, БАЛКИ БУТУН ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА БЎЛДИ. БУГУН ОДДИЙ ОДАМЛАРДАН ТОРТИБ ЗИЁЛИЛАР, СИЁСАТЧИЛАР, ДЕПУТАТЛАР УШБУ УЧРАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА ФИКР ЮРИТМОҚДА.

➤ Давоми 2-бетда.

ЎЗХДП

пенсиялар, меҳнатга лаёқатсиз ногиронлар, боқувчисини йўқотган ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламлари ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришни кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини шакллантиришни қўллаб-қувватлайди.

ЎЗХДП Сайловолди дастуридан.

ХОТИН-ҚИЗЛАР СПОРТДА ҳам фаолликларини намоиш этишмоқда

ЎЗХДП «Фаол аёллар» қаноти Шўрчи туман бўлими ташаббуси билан хотин-қизларнинг спортга жалб қилиш ва уларни соғломлаштиришга қаратилган лойиҳа доирасида тадбир ташкил этилди. Унда маҳалла аёллари ва касб-ҳунар коллежлари қизларидан иборат жамоалар гуруҳларга бўлинган ҳолда спортнинг волей-

ЎЗХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

Қонунлар тарғиботи ойликлари

■ Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим талабларидан бири фуқаролар ҳуқуқий ва сиёсий онгини юксалтиришдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, ЎЗХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан жойларда хотин-қизларнинг ўз манфаатларига дахлдор бўлган қонунлардан хабардорлигини ошириш мақсадида «Қонунлар тарғиботи ойликлари» ўтказилмоқда.

Мазкур ойлик доирасида Қашқадарё вилоятида «Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигининг хотин-қизлар бандлигини таъминлашдаги аҳамияти» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда ЎЗХДП Марказий Кенгаши ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ва Қашқадарё вилоят кенгаши фа-

оллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳамкор ташкилотлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатини ЎЗХДП вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Олим Равшанов олиб борди.

Тадбирни уюштиришда партия электорати бўлган хотин-қизларни меҳнат со-

ҳасига оид қонунларда белгиланган қўшимча имтиёзлардан хабардорлигини ошириш ҳамда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар ижросида хотин-қизлар иштирокини таъминлашдек мақсадлар кўзда тутилган эди.

Партия Марказий Кенгаши масъул ходими Назира Матёкубова айрим жойларда аёллар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмаслиги сабабли улар томонидан турли идора ва ташкилотларга мурожаатлар қўпайиб бораётганини таъкидлаб ўтди. Қонунни билган адашмаслиги, ўз ҳуқуқларидан фойдаланишни ҳам билиши тўғрисида тўхтади.

2 ➤

ХУШҲАБАР!

■ Будапешт (Венгрия)да дзюдо бўйича Гран-При туркумига кирувчи йирик халқаро турнир бўлиб ўтди.

ЯҲЁ ИМОМОВ — ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБИ!

2013 йилги «Катта дубулға» туркумидаги йирик халқаро турнир ғолиби, ўтган йили Тошкентда ўтказилган Гран-При мусобақаси кумуш медали совриндори Яхё Имомов (81 кг) бу гал ҳам ўзини кўрсатди. Моҳир дзюдочимиз Будапешт гиламларида аввалига Венгрия, Болгария, Германия спортчиларини мағлубиятга учратди. Ярим финалда Яхё россиялик Станислав Семёновга қарши гиламга тушди. Ҳамюртимизнинг мазкур беллашувда галаба қозониши учун 2 дақиқаю 45 сония кифоя қилди.

Эътиборлиси, халқаро турнирда энг кўп полвон — 51 нафар дзюдочи айнан 81 килограммгача бўлган вазн тоифасида медаллар учун майдонга тушди. Хал қилувчи беллашув эса янада ҳаяжонли ва шиддатли кечди. Унда Яхё Имомов 2013 йилги жаҳон чемпионати бронза медали совриндори Адам Смит (Франция)га қарши кураш олиб борди ва рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Самандар БОБОРАҲАБОВ, ЎЗДЖТУ талабаси.



Ўз мухбиримиз.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади



■ «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти нималардан иборат?

МУНОСАБАТ



Рустам КОМИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Мудофаа ва
хавфсизлик масалалари
қўмитаси раиси:

— Дунё тинчлигини асраш, турли глобал муаммоларни ҳал этиш, халқларни ўзаро жипс ва ҳамкор бўлишида халқаро тузилмалар муҳим ўрин тутаяди. Бунинг билан биргаликда олиб борилаётган ишлар мисолида ҳам яққол кўрамыз.

Ташкилот Бош қотиби Пан Ги Муннинг Ўзбекистонга келиши бежиз эмас, албатта. Дунёдаги кучли давлатлар ўртасида геосиёсий манфаатлар тўқнашуви тобора кескинлашиб бораётган, янги-янги уруш ўқоқлари пайдо бўлаётган бир пайтда Ўзбекистон нафақат минтақамизда, балки бутун дунёда тинчлик ва оқсоқилликни сақлаш ташаббусларини илгари суриб келмоқда.

Президентимиз ҳар бир чиқишида Ўзбекистоннинг ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслигини алоҳида таъкидлайди. Бундай сиёсат БМТ томонидан олиб борилаётган ишларга ҳамма ҳам қўлини қўймайди.

Учрашув чоғида Афғонистон муаммоси ҳам атрофдаги муносабатларда таъкидланди. Афғонистонда барқарорликка эришишнинг ягона йўли — сиёсий музокара олиб бориш, ички келишувларга интилиш, бунинг учун қўлай халқаро муҳит яратиш, молиявий инсонпарварлик ёрдами кўрсатишнинг давом эттириш, бу борада БМТнинг фаол иш-

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ЎЗХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

Қонунлар тарғиботи ойлиқлари

— Меҳнат қилиш ҳуқуқи — энг муҳим, ҳаётини ижтимоий ҳимоядир, — деди у. — Бандлик дастури бўйича жойларда кўп ишлар қилинмоқда. Биринчи навбатда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Бироқ иш ўрни яратиш бўйича ҳамма жойда ҳам аҳвол бирдек эмас. Депутатларимиз, партиямиз фаоллари бу масалада доимий равишда назорат-таҳлил ишларини олиб бориши зарур.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзоси Комила Каромова «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»-ги, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»-ги қонунлар ва Меҳнат кодексининг асосий жиҳатларини батафсил шарҳлаб берди. Аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш борасидаги имтиёزلарга тўхталди. Юртимизда оналар фарзандларини 3 ёшга тўлгунча қадар парвартилади ва уларнинг иш жойлари сақланади. Кам таъминланган оилаларга нафақалар бериб борилади. Қонунларимизда ногирон боласини парвариш қилаётган аёлларнинг меҳнат таътилига чиқишида ҳам имтиёزلар кўзда тутилган. Аёлнинг

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — келажакни, миллат ва халқни ҳимоя қилишдир.

Давра суҳбатига таъкидландики, Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг устувор йўналиши ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг зарур шарти сифатида қаралмоқда. Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг ўз қўбилият ва имкониятларини рўйбга чиқаришлари учун муносиб шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Меҳнат қонунчилигида киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, бугунги кунда аҳолини иш билан таъминлашнинг янги имкониятлари ишга солинмоқда.

Маълумки, партиянинг Сайлов олдиди дастурида аҳолининг иш билан банд бўлмаган қатламлари, жумладан, хотин-қизлар учун барқарор ва юқори ҳақ тўланадиган иш ўринлари яратиш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланган. Шундан келиб чиқиб, партия «Фаол аёллар» қаноти аъзолари бола тарбияси билан банд бўлган аёллар, меҳнат бозорида иш топишда қийналаётган хотин-қизлар билан бевосита учрашувлар, му-

Ўзбекистон томонидан билдирилаётган фикрлар, олиб борилаётган тинчлик тарғиботи, тинчлик учун кураш дунёнинг кўзга кўринган сиёсатчилари томонидан эътироф этилмоқда.

ДУНЁГА ТИНЧЛИК КЕРАК



Салаватдин ХУДАЙБЕРГАНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш масалалари қўмитаси раиси
ўринбосари:

— БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг ташрифи чоғида муҳофаза этилган муҳим масалалардан бири — бу минтақа учун катта экологик хавф ҳисобланган Орол муаммосидир. Бугунги кунда Орол денгизининг қуриб бораётгани нафақат яқин, балки ундан узоқ ҳудудлардаги аҳоли саломатлиги ва генотипига салбий таъсир кўрсатаяпти, ҳаёт даражаси пасайиши, ичимлик суви каби долзарб муаммоларни пайдо бўлишига олиб келаяпти.

Орол денгизининг қуриши давом этаётгани ва унинг атрофида гуманитар фалокат содир бўлаётгани сабабли Оролбўйининг табиий биологик фондиди асраб-авайлаш, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар



Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Халқаро ишлар ва парламентлараро
алоқалар қўмитаси аъзоси:

— Учрашувда мамлакатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дунё ҳамжамиятида тугган ўрнига муносиб баҳо берди: ...**Дунёдаги аҳвол тобора чигаллашиб бораётган шароитда биз БМТни глобал хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш бўйича ягона универсал халқаро ташкилот, кўплаб мураккаб давлатлараро ва халқаро муаммоларини ҳал этадиган ноёб тузилма, деб биламиз.**

Дарҳақиқат, халқаро ташкилот нафақат дунёда тинчликни асраш, балки соғлиқни сақлаш, илм-маърифат, маданиятни ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш каби кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда. Очиғини айтганда, бунинг биринчи навбатда Ўзбекистон мисолида кўраямиз, билаямиз.

Мисол учун, Ўзбекистон ва БМТ ижтимоий-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларида 1993 йилдан 2014 йилгача умумий қиймати 434 милли-

ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Бу ҳудуддаги аҳволни ўз кўзи билан кўрган, турли касалликлардан азоб чекаётган инсонлар ҳаёти билан яқиндан танишган киши бунинг нақдлар катта фоҳиша эканини янада чуқур англайди.

Оролбўйи икки асосий манба — Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, ушбу дарёлар оқимининг камайиши мазкур минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбормоқда.

Маълумки, БМТ Бош ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида «Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Орол-

бўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлари дастури» қабул қилинган. Мазкур дастурнинг ўз вақтида ҳаётга татбиқ этилиши қанчалик муҳимлигини ҳақон жамоатчилиги чуқур англайди. Ушбу дастур қабул қилинишида БМТ Бош қотибининг 2010 йилда Оролбўйидаги мавжуд аҳвол билан танишгани муҳим ўрин тутди.

2014 йилнинг октябрь ойида БМТ вакиллари 24 та халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари, шунингдек, дунёнинг 26 мамлакатидан келган олим ва экспертлар иштирокида Ургач шаҳрида ўтказилган «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этди. Ушбу анжуман якунига кўра, умумий қиймати 3,2 миллиард АҚШ долларида зиёда миллий ва минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳужжатлар имзоланди. Бу ҳам ташкилотнинг мамлакатимиз билан амалий ҳамкорлигига мисол бўла олади.

Умуман олганда, Пан Ги Муннинг мамлакатимизга бу галги ташрифи мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришига ишонаман.

ни янада оширишга хизмат қилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда БМТ билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар, халқаро анжуманлар, конференциялар ўтказилмоқда. Хусусан, БМТ тузилмаларининг бевосита кўмағида Ўзбекистонда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, озик-овқат хавфсизлиги, ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожланишидаги роли ва аҳамиятига бағишланган йирик халқаро анжуманлар ташкил этилди. Бундай тадбирлар мазкур йўналишларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларни бутун дунёга кўрсатиш, шу билан бирга, янги тақрибатлар орттириш, ушбу соҳаларни янада ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлاردир...

Бутун мамлакатимизда ҳақон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Ўзбекистон ва унинг Президентини нафақат мамлакатда, минтақада, балки бутун дунёда тинчлик бўлисин, деган ғояни илгари сурмоқда. Ўзбекистон томонидан билдирилаётган фикрлар, олиб борилаётган тинчлик тарғиботи, тинчлик учун кураш дунёнинг кўзга кўринган сиёсатчилари томонидан эътироф этилмоқда. Халқаро ташкилотлар томонидан бу тинчликпарвар сиёсат доимо юксак баҳолашиб келинмоқда. БМТ раҳбарининг Ўзбекистонга келиши ва билдирган фикрлари ҳам бунинг яна бир тасдиғидир.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

иштирок этиши, хусусан, мутасадди органларнинг бу борадаги фаолияти юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини оширишга доир вазифалар белгилаб олиниди.

Шу кунги ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган тадбиркор аёллар тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Унда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, устуз-шоғирд аъёнларини давом эттириш билан боғлиқ самимий суҳбатлар, мулоқотлар бўлди.

— Мен 19 миллион сўм кредит олиб, ўз ишмини кенгайтирдим, — дейди **касаначилик кичик корхонаси раҳбари Нозима Каримова**. — Ҳозир 15 нафар чевар ишли бўлди. Қаранг, кашта урилган буюмларимиз қанчалик бежирим.

— Мана бу ёғоч буюмлардаги нақшлар жуда чиroyли экан, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Комила Каромова**. — Умуман, Шаҳрисабз, Китоёб, Қўрқоқ туманларида халқ амалий санъати яхши ривож топган, ҳунармандларга қўмак берилса, кўпчилик ишли бўлади. Санъат асарига тенглаштирса буладиган бу маҳсулотларни бемалол экспортга чиқариш мумкин.


Давра суҳбати ҳам, кўргазма ҳам иштирокчилар учун таассуротларга бой, қизиқарли ва фойдали бўлди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЁШ СИЁСАТЧИ» ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

■ Маълумки, катта кўчаларда икки тарафлама ҳаракатланувчи автомобиль йўли мавжуд. Тасаввур қилинг, йўлнинг марказидаги паст тўсиқларнинг ораси (бордюр)га махсус муҳандислик ускунаси ёрдамида кичик паррақлар ўрнатилади. Улар ўз навбатида, транспортлар ҳосил қилган шамолни тўплайди ва ер ости орқали маълум жойга узатади. Йиғилган энергия эса яқин биналарни электр энергияси билан таъминлаш учун сарфланади. Шунингдек, светофорларни ҳам электр энергияси билан таъминлайди...

ЯНГИ ЛОЙИҲА — КЕЛАЖАККА ЯНГИЧА НИГОҲ БИЛАН ҚАРАШ



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

«Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида янгиликка интилувчан ёшлар шу каби ранг-баранг мавзулардаги лойиҳаларни тақдим этишди. Бу йил танловда иштирок этиш истаги билдирилган 1,5 мингга яқин ариза қабул қилинди. Дастлабки босқичларда юқори натижаларга эришган 12 нафар йигит-қиз республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун белгилашди.

Бугун ёшлар билан суҳбатлашсангиз, кўпчилиги ўз бизнесини ташкил этиш ниятида янги лойиҳалар устида ишлаётгани ҳақида гапирди. Бу, албатта, қувонарли. Чунки бугунги кун ёшларининг мақсади юрт тараққиётига ҳисса қўиш, қолаверса, ўзи ҳамда оиласи турмуш тарзини янада яхшилашдир. Ана шундай энг ташаббускор йигит-қизлар «Ёш сиёсатчи — 2015» танловига ўз билимларини синовдан ўтказишди.

Қатнашчилар молиявий асослари аниқ бўлган ва амалга ошириш ҳамда ривожлантиришнинг истиқболларини ўз ичига олган лойиҳаларни ҳимоя қилишди. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли ўрғанилган ҳолда ишлаб чиқилган ва истиқболли, деб топишган лойиҳалар ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Иккинчи шарт ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини синовдан ўтказиш, мамлакатимизда кечаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш мақсадига йўналтирилган. Унда ҳар бир қатнашчи 5 тадан саволга жавоб берди.

Танловнинг учинчи шартида ёшлар ўз фикр ва қарашларини ифода этиш ҳамда тингловчига таъсир кўрсата олиш маҳоратини намойиш этди.

— Нотиклик санъати, аввало, киши сўз юритаётган соҳаси бўйича чуқур билимга эга бўлиши, қонунларни яхши билишига боғлиқ, — дейди **ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Рўзибек Тўраев**. — Шунингдек, нотик ўз сўзини ҳаётини миқдор билан ифодаласа, ишонч билан гапирса, эшитувчининг эътиборини тортади.

ЎЗХДП томонидан ўтказилаётган ушбу танлов ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, уларда ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, ўз фикрини тўғри ва тўлиқ ифода этишга ўргатади, ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашади. Шунинг учун ҳам танловда иштирок этиш истагини билдирувчилар сафи кенгайиб бормоқда.

Ўтган йиллар давомида «Ёш сиёсатчи»нинг томошабини эдим. Бугун эса унинг иштирокчисини, — дейди **Олмасор тумани вакили Даврон Мелиқўзиев**. — Мен сиёсий жараёнларга жуда қизиқман. Тўғриси, танловнинг шаҳар босқичига етиб келиш учун ҳам кўп ўқиб, изланган. Қалаба ҳар бир қатнашчининг орузи, лекин мағлубият ҳаммаси тугади, дегани эмас. Аксинча, камчиликларни тўлдириб, билмаганларимизни ўрганиш имкониятидир. Тенгдошларим орасида билимдонлар жуда кўплигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Улар билан рақобатлашиш учун жиддий тайёргарлик кўриш, билимларни янада мустаҳкамлаш, айниқса, амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти билан чуқурроқ танишиш, сиёсий жараёнларни мушоҳада қилиш керак. Шахсан мен ёш сиёсатчи сифатида шаклланишимга танловнинг ёрдам берадиган жиҳатлари кўп бўлди, деб ҳисоблайман.

Албатта, ҳар бир иштирокчи ўз ўрнида ғолиб. Аммо биринчи поғона фалатгина бир кишига nasib этади. Бу гал **Миробод туманидан Улугбек Аликулов** энг яхши натижаларни кўрсатиб, республика босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди. **Шайхонтоҳур туманидан Бону Азизова** иккинчи, **Сирғали туманидан Баҳром Агзамов** эса учинчи ўринни эгаллади. Қолган иштирокчилар турли номинацияларда диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



■ ЎЗХДП ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ БАРЧА ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН АҲОЛИНИНГ МАНЗИЛЛИ ИЖТимоий ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА — МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТЛИ ОДАМЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, АВАЛО, ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАН ИБОРАТ БЎЛИШИ ЛОЗИМ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.



■ ДЕПУТАТ ТЕГИШЛИ ХУДУДА ЖОЙЛАШГАН ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ МАНСАБДОР ШАХСЛАРИГА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИГА КИРАДИГАН МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН АСОСЛАНТИРИЛГАН ТУШУНТИРИШ БЕРИШ ЁКИ ЎЗ НУҚТАИ НАЗАРИНИ БАЁН ҚИЛИШ ТАЛАБИ КЎРСАТИЛГАН МУРОЖААТ БИЛАН ЧИҚИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА.

Регистонда соз ҳам, овоз ҳам ўзгача

янграйди

Бу йил Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивали ўнинчи бор ўтказилади

■ Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилдан буён ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган бу нуфузли санъат байрами жаҳон муסיқаси анъаналарини асраш, тарғиб қилиш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу форум ЮНЕСКОнинг халқаро маданий тадбирлари доирасига киритилган ва мазкур ташкилот шафелигида ўтказиб келинмоқда.

«Шарқ тароналари» нафақат Шарқ, балки дунё халқларининг ноёб муסיқий мероси ва анъаналарини тарғиб этиб, ёш авлод қалбида санъатга, муסיқага меҳр уйғотиб, келмоқда. Фестиваль дунё халқлари ўртасида ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда, маданий алоқалар доирасини кенгайтиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Президентимиз таъкидлаганидек бу фестивал биз яшаётган бугунги нотинч ва ўта мураккаб замонда элу элатлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳаётбахш муסיқа оҳанглари орқали одамлар қалбида эзгу инсоний туйғуларни уйғотиш, муштарак томирларни бир-бирига пайванд этиш каби олижаноб мақсадларга хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга сазовор.

«Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивалининг мақсади инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этиш, дунё халқларининг ноёб муסיқий меросини ҳамда анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, тили, маданияти, миллий кадриятлари ранг-баранг бўлган турли миллат ва элат-

ларни санъат воситасида янада жипслаштиришдан иборатдир.

Нуфузли анжуман иштирокчилари сони йил сайин ошиб бормоқда. Масалан, 1997 йилда ўтказилган дастлабки фестивалда 31 мамлакат вакиллари ўз санъатларини намойиш этишган бўлса, 2013 йилда ташкил этилган тўққизинчи фестивалда 56 давлат муסיқа ва санъат намояндалари иштирок этиди.

Айни пайтда Самарқандда мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги байрам тантаналарига уйғунлашиб кетадиган ўнинчи «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивалига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Фестиваль арасида қадимий Самарқанд янада обод, гўзал ва байзли макканга айланади. Бунинг учун улкан ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Янгидан барпо этилган турар-жой ва ижтимоий иншоотлар, реконструкция қилинган тарихий ва замонавий бинолар, мукамал таъмирланган кенг ва раван йўллар, янги хиёбонлар ва гулзорлар, ҳамма-хаммаси шаҳар қиёфасини янада гўзаллаштириб, салохияти ва салобатини оширишга хизмат қилади.



— Фестивални ҳар қачонгидан ҳам юқори савияда ва уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан республика ташкилий қўмитаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ишчи гуруҳи томонидан зарур чора — тадбирлар белгиланди, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи, ишчи гуруҳ аъзоси Камолиддин Мизомов. — Регистондаги фестиваль ўтадиган майдонни ҳозирлаш ишлари қизгин бормоқда. Тадбирнинг очилиш маросимида оммавий саҳналарда иштирок этадиган катнашчилар, фольклор жамоалари сараланди.

Бедгиланган режалар асосида шаҳарни фестивал руҳига мос равишда безатиш, шубҳасиз кўҳна Самарқанд қиёфасининг янада очилишига хизмат қилади. Фестиваль меҳмонлари ва иштирокчилари учун меҳмонхоналарни тайёрлаш бошлаб юборилган. Шаҳар-

1997 йилда ўтказилган дастлабки фестивалда 31 мамлакат вакиллари ўз санъатларини намойиш этишган бўлса, 2013 йилда ташкил этилган тўққизинчи фестивалда 56 давлат муסיқа ва санъат намояндалари иштирок этиди.

даги истироҳат боғлари, «Мўъжиза» амфитеатрида таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Анжуман иштирокчилари жойлашадиган меҳмонхоналар, Улугбек мадрасаси,

музейларда «Шарқ тароналари» муסיқа фестивалига оид фотосуратлар, миллий муסיқа асбоблари, тарихий либослар, тасвирий ва амалий санъат асарлари, миллий хунарандчилик маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этилади. Анжуман қатнашчиларининг вилоят туман ва шаҳарлардаги истироҳат боғларида, муסיқа санъат мактабларида ўз дастурларини намойиш этишлари, ёш ижодкорларга маҳорат машғулотлари ўтишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Лале БЕГНАЗАРОВА, VII «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивали Гран-При соҳиби (Туркманистон):

— «Шарқ тароналари»да ҳар бир давлатдан энг кучли санъаткорлар қатнашади. Мен мазкур фестивалнинг энг олий мукофотиغا сазовор бўлганимдан бир умр фахрланаман. Регистон майдонида қўшиқ куйлаганимни

ҳеч қачон унутолмасам керак. Самарқандда дунё мамлакатларининг бизга номаълум санъати ва маданияти билан танишдик, ўзаро фикр алмашдик. «Шарқ тароналари» ғоялари ҳаётбахшлиги, турли халқ ва элатларнинг миллий муסיқасини кенг тарғиб қилиб келаётгани, ташкилий ишлар юксак савияда олиб борилаётгани туфайли ҳам жаҳондаги энг нуфузли фестивалга айланди.

Элшан МАНСУРОВ, «Сари Гелин» ансамбли муסיқачиси (Озарбайжон):

— Самарқандда ўтказилган биринчи «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивалида мамлакатимиз вакилиси Симара Имонова олий бош мукофот — Гран-Прини қўлга киритган эди. Самарқанд Симарани, бутун Озарбайжон санъатини дунёга танитди. Ўзбек ва озарбайжон халқларини азалдан биродарлик ришталари боғлаб туради. «Шарқ тароналари»да шу кунгача қўллаб озар санъаткорларнинг иштирок этгани сўзимизнинг тасдиғидир.

Томас БЛИСЧЕ, «Bremer musical» гуруҳи раҳбари (Германия):

— Биринчи бор фестивалга меҳмон сифатида келгандим. Ушанда келаси сафар мазкур фестивалда гуруҳим билан қатнашаман, деб ният қилган эдим. Ниҳоят жаҳондаги энг нуфузли фестивалда миллий санъатимиз намуналарини намойиш этишга муваффақ бўлдик. Дастури-миз устида пухта ишладик. Қадимий Самарқанднинг бетақор кўрку жамоли, ота-боболарингиз барпо этган ўлмас обидаларга боқиб, илҳомимиз янада жўшди. Регистонда соз ҳам, овоз ҳам ўзгача жаранглар экан.

Абдурасул САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



Ота-она жавобгарлиги янада қатъийлаштирилди

Бола тарбиясида ота-она масъулияти асосий ўрин тутати.

Аргентинанинг Санта-Фе музофотида болалар спиртли ичимлик истеъмол қилса, уларнинг ота-онага нисбатан маъмурий чоралар белгиланди. Яъни, бу ерда янги тартиб жорий қилинган бўлиб, унга кўра, бирорта ўсмир алкоголь ичимлиги ичиб, маст ҳолда жамоат тартибини бузса, вояга етмаганлиги учун унинг ўзи эмас, балки ота-онасига нисбатан маъмурий жавобгарлик чораси қўлланилади — 20 дол-



лардан 40 долларгача миқдорда жарима жазосига тортилади.

Музофот ижроия ҳокимияти маълумотномасида қайд этилишича, дейилади «Новости» ахборот агентлиги хабарида, бундан бир неча йиллар муқаддам вояга етмаганларнинг маст ҳолда юриши камдан-кам учрайдиган ҳолат эди. Кейинги йилларда эса бундай ҳолатлар сони ортиб бораётганилиги маъмуриятни ташвишлантириб келарди. Вояга етмаганларга нисбатан қаттиққўл чоралар қўллаб бўлмаслиги бир қарорга келишни кечиктираётганди. Шу сабабли ҳам музофот маъмурияти уларнинг ота-оналарига нисбатан чора кўришни ўринли, деб ҳисоблади.

Овқатланишдан олдин кўзойнак тақинг

Япониялик олимлар томонидан ихтиро қилинган антика кўзойнак инсонни ортқича вазндан халос этиши билан кўпчилик эътиборини тортмоқда. Бугунги кунда ортқича вазнга эга бўлган одамлар сони ортиб бораётгани унинг ижтимоий муаммага айланаётганини кўрсатмоқда. Бу эса мазкур муаммо глобал тус олмай туриб, барта-раф этишни тақозо қилади. Шу



боис ҳам олимлар ортқича вазндан халос бўлишининг турли йўлларини ишлаб чиқмоқдалар ва амалиётга жорий этмоқдалар.

Мазкур кўзойнакларнинг сири шундаки, дейилади маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарда, унга ўрнатилган махсус ойна тановул қилинаётган таом ҳақмини қарийб 50 фоизга катталаштиради. Бундан ташқари, кўзойнакдан овқатнинг махсус хушбўй хиди тараладики, у кишини тўйдиратиш хусусиятига эга. Ва қарабсизки, одамда овқат ейишга бўлган истак сўнади. Бундай кўзойнакни тақиб овқатланган ҳар қандай инсон одатдагидан 10 фоиз кам овқат ейди.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

■ Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Алгоритмлаш ва математик моделлаштириш» кафедраси доценти, физика-математика фанлари номзоди Санобар Сададдинованинг 25 дан зиёд илмий ва илмий услубий ишлари мамлакатимиз ҳамда хориж журнал ва тўпламларида нашр қилинган. Кейинги йилларда олиманинг замонавий телекоммуникация технологиялари, алоқа ва ахборотлаштириш масалаларига бағишланган иккита ўқув қўлланмаси нашр этилди.

Илму изланиш

кучли иродани, тинимсиз меҳнатни талаб этади

— Таниқли олима томонидан тайёрланган ўқув қўлланмалари талабаларга танлаган мутахассислиги бўйича фанни чуқурроқ ўзлаштиришга ёрдам беради, — дейди университетнинг илмий ишлар бўйича проректори Зафар Ҳакимов. — Унинг «Дискрет математика» номли ўқув қўлланмаси илмий кенгаш томонидан маъқулланиб, 2014 йилда чоп қилинди. Қўлланма содда ва раван, тахлилий мисоллар билан ёзилгани учун талабалар орасида жуда тез оммалашиб кетди. Университетимизнинг ҳар бир курсида иқтидорли ёшлар ҳо-ҳишига кўра, инглиз тилида таълим оладиган, 12-13 нафар талабалардан иборат 2-

3 тадан гуруҳлар бор. Санобар Сададдинова улар учун инглиз тилида «Set theory», яъни, «Тўпламлар назарияси» номли ўқув-услубий қўлланма тайёрлаб, чоп қилди.

Хозирги пайтда у «Дастурий инжиниринг» факультетида илмий ишлар бўйича декан ўринбосари сифатида ҳам иқтидорли ёшларга илмий мақолалар тайёрлашда ёрдам бераётди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги иштироки, шу билан бирга оиладаги ўрни улар зиммасига икки қарра масъулият юклайди. Санобар Сададдинова оилада фарзандларини тарбиялаш билан бирга илмий-ижодий ишларини такомиллаштириб,

фаол аёллар сафида бўлишга интилоқда.

— Мен эришаётган ютуқлар бугун қўйилаётган талабларга жавоб бериш мақсадида қилинаётган меҳнатларим мевасидир, — дейди Санобар Сададдинова. — Замон шитоб билан илгариларимдан. Бугун нафақат ўз фанингини, балки чет тилини, ахборот коммуникация соҳасини чуқур билишинг керак. Жаҳон тажрибасини ўрганиб, янгиликлар яратиш лозим.

Қолаверса, устозлар кўрсатган йўл-йўриқларга амал қилган ҳолда илмий ишларини давом эттираялман. Ёшларимизга талаб даражасида сабоқ бериш учун аввало ўқитувчининг ўзи ҳар кунини, ҳар соатини изланишда ўтказиши керак, бўлмаса замондан орқада қолади.

Информатика, ахборот алмасилишуви жадаллашган замонда шуларни ҳисобга олмagan педагог, мураббий адашади. Шунинг учун ўз устимда кўп ишлайман, мутахассислигим бўйича дунёдаги барча янгиликларни Интернет орқали кузатиб бораман.

Санобар Сададдинова шу кунларда «Дискрет математика» номли ўқув қўлланмасини инглиз тилига таржима қилиш бўйича иш олиб бораёпти. «Бу менинг Ўзбекистон мустақиллигининг 24 йиллик байрамига муносиб совғам бўлади», — дейди у.

Нуруллоҳ ДОСТОН

РЕКЛАМА

«Toshkent universal auktsion savdo» масъулияти чекланган жамияти

2015 йил 16 июль куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказати

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кўхнур кўчаси, 40-уйда жойлашган «Асака» ДАТБ Тошкент вилоят филиали балансидаги 2009 й. и/ч, д/р 01/980JAA, бошланғич нархи 25 000 000 сўм бўлган «Нексия SONG» русумли автотранспорт воситаси ҳамда Тошкент вил., Зангиота тумани, Юнусовод ҚФЙ, «Дархон» кўрғонида жойлашган, «Davlat belgisi» ДИЧБ Тошкент Қорғоз фабрикаси балансидаги бошланғич нархи 7 340 051 сўм, 1993 й. и/ч, ишлаб чиқариш қуввати 750кВт/соат бўлган «АП-18» русумли автоматик қувватлантиргич; бошланғич нархи 1 607 297 сўм, 1995 й. и/ч, 83 м²/мин хаво ишлаб чиқарувчи «Циклон» русумли; бошланғич нархи 2 295 775 сўм, 2002 й. и/ч, ишлаб чиқариш қуввати 600кВт/соат, 16,1кВт бўлган, вентиляторсиз «FVKZ FAN» русумли юқори тезликдаги тозалашчи ускуналари қўйлади.

Талабгорлардан буюртманома-ларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 физиз миқдоридagi закат пули «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо қолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур мол-мулклар юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу мол-мулклар ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлис-лар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40; электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

«Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ томонидан 2015 йил 4 июнь куни ўтказилган аукцион савдоси натижаларига кўра, тугатилаётган «Yo'ldosh-quruvchi» шўъба корхонаси балансидаги асосий воситалар (мол мулклари) му-жассам ҳолда — 16 200 000 сўмга сотилганлиги ҳамда Шаҳар марказий кўчаларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва таъмирлаш ихтисослаштирилган бошқармасининг 2015 йил 10 июндаги 06/367-сонли хатига асосан, д/р 01/281PBA бўлган «ГА3-3102»; давлат рақамлари 01/412PBA, 01/413PBA, 01/415PBA, 01/517PBA, 01/518PBA бўлган 5 та «ДЭУ ПУ» русумли автотранспорт воситалари ҳамда д/р 24-16ЕД бўлган «ПТЗ-100К-10» русумли трактор техникаси аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 16 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

■ 1 Австралия доллари	1964,41	■ 1 Канада доллари	2065,23	■ 1 Туркия лираси	936,90
■ 1 Англия фунт стерлинги	3955,55	■ 1 Хитой юани	410,10	■ 1 Швейцария франки	2732,29
■ 1 Дания кронаси	382,69	■ 1 Россия рубли	46,70	■ 1 ЕВРО	2863,08
■ 1 БАА дирхами	693,23	■ 1 Украина гривнаси	120,91	■ 10 Жанубий Корея вон	22,83
■ 1 АҚШ доллари	2546,22	■ 1 Малайзия ринггити	677,10	■ 10 Япония иенаси	206,31
■ 1 Миср фунти	333,93	■ 1 Польша злотийси	688,06		
■ 1 Исландия кронаси	19,19	■ 1 СДР	3572,17		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

СПОРТ

■ Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Янги Зеландияда давом этаётган жаҳон чемпионати чорак финал босқичига йўллангани қўлга киритганини хабар қилгандик.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси

жаҳон чемпионатининг кучли саккизликдан жой эгаллади

Ярим финал йўлланмаси учун кечган баҳсда ёшларимиз сенегаллик тенгқурларига қарши майдонга чиқди. Афсуски, ҳамюртларимиз тенг курашлар остида ўтган баҳсда рақибларига кичик (0:1) ҳисобда ютқазиб қўйди.

— Ушбу босқичда мағлуб бўлишни истамгандик, — деди учрашувдан сўнг, терма жамоа бош мураббийи Равшан Хайдаров. — Ўйин иккала жамоа учун ҳам жуда қийин кечди. Бизда ҳам, рақибларда ҳам гол уриш учун имкониятлар бўлди. Битта хатога йўл қўйди ва гол ўтказиб юбордик. Голдан сўнг тактикани ўзгартирдик, афсуски, фойдаси бўлмади. Лекин дунёнинг энг кучли саккиз терма жамоаси қаторидан жой олиш ҳам муҳим натижа, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, ёшларимиз чорак финалдаёқ баҳс-

ларни якунлаган бўлса-да, жаҳон чемпионатидаги муносиб иштироки билан мутахассис ва мухлисларда илқ таассурот қолдирди. Вакилларимиз кучли рақибларга қарши чўчимасдан, чиройли ва ҳужумкор ўйин намойиш этдилар. Бу эса мамлакатимизда болалар футболни ривожлантиришга берилаётган юксак эътиборнинг самарасидир.

Чорак финалнинг қолган учрашувларида куйидаги натижалар қайд қилинди: **Бразилия** — Португалия — 0:0 (пен. бўйича — 3:1), **Мали** — Германия — 1:1 (пен. бўйича — 4:3), **АҚШ** — **Сербия** — 0:0 (пен. бўйича — 5:6).

Энди 17 июнь куни бўладиган ярим финал учрашувларида Бразилия — Сенегал, Мали — Сербия жўфтликлари ўзаро рўбарў келишади.

Ўз мухбиримиз.

Кашфиётлар майдони

Пойтахтимизда 1999 — 2000 йилларда туғилган боксчилар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз 7 олтин ва 6 кумуш медални қўлга киритишди

Бир ҳафта давом этган нуфузли мусобақада китъамизнинг ўн тўрт давлатидан келган юз нафардан зиёд ёш спортчилар ўн уч вазн тоифасида рингга кўтарилишди.

Жанглари муваффақиятли ўтказган вакилларимиздан Баҳодир Баротов (48 кг), Билалбек Мирзахоимов (57 кг), Темур Мержанов (63 кг), Яхёҳон Саидхонов (70 кг), Қосимхон Қосимов (75 кг), Аббосхон Мирзаабдуллаев (80 кг), Роримша Профсор (+80 кг)лар Осиё чемпиони, деган шарафли номига сазовор бўлди. Шунингдек, Халимбек Ўтегенов (46 кг), Дилшодбек Рўзиметов (66 кг), Жаҳонгир Раҳмонов (50 кг), Муродхон Алиев (52 кг), Саиджамшид Сафаров (54 кг), Темурбек Саъдуллаев (60 кг)лар эса шохсупанинг фахрли иккинчи поғонасидан ўрин эгалладилар.

— Юртимизда ўсмирлар ўртасида ўтказилган мазкур Осиё чемпионати ўзига хос кашфиётлар майдони вазифасини ўта берди, —

дейди бокс бўйича Атланта олимпиадаси бронза медали совриндори, мураббий Карим Шотўлаганов.

— Нуфузли мусобақада қатнашган барча ёш боксчиларимизнинг совриндор бўлиши барчамизни қувонтирди. Кейинги йилларда мамлакатимиз спортчиларининг Осиё ва жаҳон чемпионати, Олимпия ўйинларида эришаётган ютуқлари ёшларимиз қалбида жисмоний тарбия ва спортга чексиз меҳр-муҳаббат уйғотмоқда. Улар ўз истеъдодини намойиш этиши, маҳоратини ошириши учун шахар ва қишлоқларимизда барча шарт-шароитлар яратиб берилмади. Бугун ўсмирларимизнинг қўлга киритган муваффақияти ҳам аввало ана шу гамхўрликнинг натижаси, деб биламан. Келгусида катталар ўртасида юртимиз шаънини ҳимоя қиладиган терма жамоамиз аъзолари ҳам ана шу умидли боксчиларимиз асосида шакллантирилиши шубҳасиз.



— Осиё чемпионатида бирорта ғалаба осонлик билан қўлга киритилгани йўқ, — дейди **олтин медаль соҳиби Билалбек Мирзахоимов (57 кг)**. — Айниқса, финалда япониялик Тиага Иманагага қарши ўтказган жангимни узок вақт эслаб юраман. Рақибларимизнинг барчаси мусобақага катта тайёргарлик билан келганлигининг гувоҳи бўлдим. Осиё чемпионатида пухта ҳозирлик қўриб, мураббийларим кўрсатмаларини тўлиқ бажарганлигимиз эвазига чемпионлиқни қўлга киритдик. Олдинда бизни янада нуфузли мусобақалар кутиб турибди. Келгусида

жаҳон чемпионатида ҳам ғолиблиқни қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қиламан. Мени мусобақа давомида қўллаб-қувватлаган мухлисларимизга катта раҳмат!

Осиё чемпионатининг тантанали ёпилиш маросимида Халқаро олимпия кўмитаси президенти Томас Бах, Осиё миллий олимпия кўмиталари ассоциацияси ва Осиё олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ал-Сабох, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Иқомов иштирок этди.

Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАДБИР

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Хунарманд» уюшмаси томонидан халқ бадий ва амалий санъати усталари иштирокида «Мустақил юрт хунармандлари» VIII аънавий Республика кўргазма-савдоси ўтказилди.

Хунарли одам ҳар жойда керак

— «Кексаларни эъзозлаш йили» дастури доирасида ўтказилаётган кўргазма-савдодан асосий мақсад — ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг эътиборини шу соҳага қўпроқ жалб этиш, — дейди **уюшма раиси ўринбосари Азизулла Раҳматуллаев**. — Мазкур тадбирда республикамизнинг барча шахар ва вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси халқ усталари, касб-хунар коллежларида ўқитган ёш хунармандлар қатнашдилар. Уюшмага 22 минг нафар хунарманд аъзо, мингга яқин қасаначи фаолияти йўлга қўйилган. Энди йўлаб қўриш, ҳар бир устанинг қамидида 3-4 нафардан шогирди бўлса, шунинг ўзи юз мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилади, деган гап.

— Уюшмамизга 258 нафар хунарманд аъзо бўлган, — дейди **Жиззах вилоят «Хунарманд» уюшмаси раҳбари Абдор Жўраев**. — Яна 300 нафар хунарманд фаолиятини қамраб олиш имкониятидамиз, қасаначилик фаолиятини ривожлантирялмиш. Хотин-қизларни ўз уйида ишлаб, пул топишига имкон яратялмиш. Аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини қасаначилик орқали таъминлашга жуда катта имкониятлар бор, булардан унумли фойдаланишга, устоз-шогирд аънавларини янада кенгайтиришга ҳаракат қилялмиш. Шу йилнинг ўзида ана шу имкониятлар орқали 800 та иш ўрни яратишни мўлжаллялмиш.

— Отам, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Азодбой Отарбаев 40 йилдан буён 25 дан зиёд чолғу асбоблари ясаб билан шугулланиб келади, — дейди **Аҳмад Отарбаев**. — Юз нафардан ортиқ шогирди ҳозир мустақил равишда иш олиб борапти, уларнинг ҳам шогирдлари бор. Қўбиз, дугор, боламан (сурнайга ўхшаш), ғижжак, соз сурнай, гартик (соз лойдан қамиш билан ишланади), қамиш най, чанқовуз каби асбобларга қўпроқ буюртма тушади.

Тадбирда «Кексаларни эъзозлаш йили» муносабати билан фахрий хунармандларга совға-саломлар туҳфа қилинди.

Нуруллоҳ ДОСТОН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

EMMM

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Электроманит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузастиригичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузастигич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электроманит мослашув маркази ва унинг ҳудудий бўлимларига мурожаат қилинг.

БИЗНИНГ МАНЗИЛЛАР:

Тошкент шаҳри,	Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», тел: 230-61-13, 202-61-68.	Навоний шаҳри,	Амир Темур кўчаси, 4-уй, 802-хона, тел: 230-64-69.
Андижон шаҳри,	Чўлпон шох кўчаси, 5-уй, 49-хонадон, тел: 230-64-65.	Наманган шаҳри,	Марғилон кўчаси, 8-а уй, 2-корпус, 54-хонадон, тел: 230-64-72.
Бухоро шаҳри,	академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, тел: 230-64-66.	Самарқанд тумани,	Ўрташиқ қишлоғи, ТРНС, тел: 230-64-80.
Жиззах шаҳри,	Халқлар дўстлиги шох кўчаси, АТС-4 биноси, тел: 230-64-68.	Термиз шаҳри,	5-кичик даҳа, 1-уй, 16-хонадон, тел: 230-64-79.
Нукус шаҳри,	Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, тел: 230-64-75.	Гулистон шаҳри,	Мустақиллик кўчаси, 54-уй, тел: 230-64-67.
Қарши шаҳри,	2-микрорайон, 43-уй, 62-хонадон, тел: 230-64-78.	Фарғона шаҳри,	Алишер Навоний кўчаси, 37-г уй, 36-хонадон, тел: 230-64-74.
		Урганч шаҳри,	Нажмиддин Кубро кўчаси, 7-уй, тел: 230-64-77.

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

ZAZ

LADA

CHEVROLET

UAZ

GAZ

Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТКАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113 уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
Тел.: (99871) 215-09-11; 250-23-93; (99891) 162-99-99; (99895) 177-01-17;
(99871) 140-41-21; (99895) 199-82-92; (99891) 191-19-49; (99890) 932-33-38
www.sardor-avto.uz МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi:
Temur XUDOYBERDIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5